



Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш қўмитаси
тизимида коррупция ва порахўрликка
қарши ички назорат
ҚОИДАЛАРИ



2020 йил
Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси

“Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат — бу коррупция балосидир.”

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

“Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.”

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга, эртанги истиқболга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган ҳавфлардан бири коррупциядир. Мамлакатимизда кейинги пайтларда коррупцияга қарши кескин курашиш ҳамда унинг олдини олиш борасида аниқ чоралар кўрилаётганига қарамай, ушбу иллатни таг-томири билан қўпориб ташлашга, бундай салбий ҳолатларга тўлиқ барҳам беришга эришилганича йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси баёнотидан

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимида коррупция ва порахўрликка қарши ички назорат **ҚОИДАЛАРИ**

I. Мақсад ва асосий тушунчалар

1. Ушбу Қоидалар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофик коррупция ва порахўрликка қарши ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Коррупция ва порахўрликка қарши курашиш ички назоратининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) ва унинг ходимларини жиноий фаолиятга қасддан ёки билмасдан жалб қилинишининг олдини олиш;

Кўмита ва Кўмита тизимидағи ходимларни жиноий фаолиятга жалб қилиш ҳавфини аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва ҳавфларни камайтириш;

Кўмита тизимида коррупцияга қарши қонун хужжатлари талаблариға қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Кўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар коррупция ва порахўрликка қарши курашишга қаратилган қонунлар, қоида ва низомларга қатъий риоя қилиш мажбуриятини оладилар.

4. Ушбу Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“коррупция” – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

“коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” – коррупция аломатлариға эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

“манфаатлар тўқнашуви” – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

“лоббизм” – гурӯҳ ёки шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатишга қаратилган мақсадли ҳаракатлар тўплами;

“лоббизм фаолияти” – фуқароларнинг қонун ҳужжатлари, сиёсий қарорлар, қонуности меъёрий ҳужжатлари, маъмурий қарорлар ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва ижро этиши учун муайян шахслар номидан ва манфаатлари йўлида мансабдор шахслар билан алоқаларни ўрнатиш борасидаги фаолияти.

II. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

5. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари куйидагилар:

қонунийлик;

фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

шаффоффлик, очиқлик ва ошкоралик;

давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги;

коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чораларининг устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

III. Коррупция ва пораҳўрлик турлари ва шакллари

6. “Коррупция ва пораҳўрлик” куйидаги шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин: коррупцион таклиф, совға, товламачилик, рағбатлантириш, фойда ёки Кўмита тизимидағи мансабдор шахсга ёки

ходимга қонуний ёки ноқонуний равища таъсир этувчи қийматга эга бўлган ҳар қандай буюм.

7. Коррупция ва порахўрликнинг энг кенг тарқалган шакллари: пул, совғалар ёки кўнгил очар тадбирлар, манфаатдорлик харакатлари, ишга жойлаштириш имкониятлари ва хайрия эҳсонлари.

8. Коррупция ва порахўрлик ҳар қандай томонлар билан битимлар тузища юзага келиши мумкин: давлат ёки хусусий.

9. Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар Қўмита ва унинг ходимларига тегишли қонунлар, қоидалар ва низомларга қатъий риоя қилишлари, шунингдек порахўрлик ва коррупцияда айбланиш ҳавфи туғдирадиган хатти-харакатлардан тийилишлари керак.

10. Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимларга коррупция ва порахўрликни юзага келтириши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш тақиқланади.

11. Шу мақсадда Қўмита коррупция ва порахўрлик билан боғлиқ асосий ҳавфларни бартараф этиш учун минимал талабларни белгилашга қаратилган коррупция ва порахўрликка қарши курашиш бўйича Қоидаларни (кейинги ўринларда - Қоидалар деб юритилади) тасдиқлайди. Ушбу Қоидалар талабларини бузган Қўмита тизимидағи ҳар қандай мансабдор шахс ёки ходим интизомий жазога тортилиши мумкин, ишдан бўшатилиш ҳам бундан мустасно эмас.

IV. Асослар

12. Коррупция ва порахўрлик жаҳон молиявий тизимига ва бизнинг ҳам жамиятимизга зарар етказади. Коррупция ва порахўрликни аниқлай олмаслик ва олдини ололмаслик Қўмита обрўсига путур етказиши мумкин. Шу сабабларга кўра, коррупция ва порахўрликка қарши курашишга қаратилган қонунлар, қоидалар ва низомларга риоя қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

13. Ҳавфларни баҳолашга асосланган ушбу Қоидаларнинг талабларини бажариш, шунингдек, Қўмита обрўсига путур етказиш эҳтимолини камайтиради.

V. Сиёсат талаблари

14. Баъзи ҳолатларда оддий ва оқилона совғаларни ёки кўнгил очар тадбирларни тақдим этиш ёки қабул қилиш порахўрлик ва коррупция ҳақидаги тасаввурни уйғотиши мумкин, шунинг учун бу ҳаракатлар эҳтиёткорлик ва ақил билан амалга оширилиши лозим.

15. Ушбу Қоидалар коррупция ва порахўрликка қарши курашиш бўйича қонун хужжатларига риоя этишни таъминлаш мақсадида совғаларни ёки кўнгил очар тадбирларни тақдим этиш ёки қабул қилиш учун талабларни белгилайди.

16. Кўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий тадбиркорлик субъектлари, ариза берувчилар, вазирлик ва идоралар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари билан ишлашда энг юқори стандартларга риоя қилишлари шарт.

17. Берилган ёки қабул қилинган ҳар қандай совға ёки кўнгилочар тадбир Кўмита тизимидағи мансабдор шахсга ва ходимга таъсир кўрсатиш ниятини яратиш ёки идрок этишга қаратилмаслиги керак, шунингдек, ҳар қандай функционал мажбуриятларини бузмаслиги керак. Совға ёки кўнгилочар тадбир шахсий манфаатларни солик тўловчилар, жамият ва Давлат манфаатларидан устун қўймаслиги керак.

18. Тез яроқсиз ҳолга келадиган буюмлар/маҳсулотлар (масалан, гуллар, озиқ-овқат ва бошқалар) ҳамда тижорат ташкилотларининг реклама тўпламлари (календарлар, буклетлар, блокнотлар, ёзув қуроллари ва бошқалар) совға ҳисобланмайди. Бироқ, агар улар Кўмита тизимидағи мансабдор шахсларга, ходимларга ёки уларнинг ишончли вакилларига берилган бўлса, бундай нарсалар оқилона ва одатий бўлиши ҳамда ахлоқий меъёрларга мос келиши керак.

19. Кўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимларга хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар, ариза берувчилар ва бошқа шахслардан совғалар сўраш қатъиян ман этилади.

20. Совға олинган тақдирда, Қўмита тизимидағи мансабдор шахс ёки ходимнинг харакати қўйидагилардан бири бўлиши зарур:

а) совғани қайтариш;

б) уни хайр-эҳсон қилиш (ёки тегишли солиқ имтиёзини чегирмасдан унинг қиймати микдорида эҳсон қилиш);

в) Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан олинган совғаларни рўйхатга олиш Махсус журналида совғани қабул қилиш/топшириш фактини рўйхатдан ўтказиш йўли билан Қўмита тасарруфига ўтказиш.

Совғани тасарруф этиш тўғрисидаги қарордан қатъи назар, уни олиш ва тасарруф этиш Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан олинган совғаларни рўйхатга олиш Махсус журналига киритилиши керак.

VI. Мижозлар ва / ёки учинчи шахслар учун шахсий совғалар

21. Айрим ҳолатларда Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар ушбу Қоидалар талабларига риоя қилмасдан дўст ёки оила аъзосига совғалар беришлари ёки совға учун пул тўлашлари мумкин.

22. 21 банд қўйидаги ҳолатларда қўланиши мумкин:

а) иш муносабатларидан бутунлай ҳолиқ, дўст / оила аъзолари билан шахсий муносабатлар билан боғлиқ ҳолатларда;

б) ҳаётий ҳодисалар (масалан, тўйлар, туғилган кунлар, туғилиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ ҳолда, юзага келган шароитлар Қўмитадаги лавозими эмас, балки ҳаётий воеа эканлигини аниқ кўрсатиб, бундай совғаларни тақдим этиш учун рағбатлантирувчи омил бўлган ҳолатларда.

23. Ҳар қандай ҳолатда, Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар ҳар қандай совғани юзага келган вазиятдан келиб чиқиб оқилоналигини, ўта сахий ёки одатий эмаслигини ҳамда бирон-бир нотўгри кўрсатма яратмаслигини таъминлаш учун соглом фикр юритишлари керак.

24. 22 бандда кўрсатилган ҳолатлар билан боғлиқ совғалар олдиндан тасдиқлашни ва қайтаришни талаб қилмайди.

VII. Лоббизм ва лоббизм фаолияти

25. Лоббизм фаолияти усуллари сифатида қуйидагилар тан олинади:

- а) мансабдор шахсларга ва учинчи шахсларга Қўмитага тегишли маълумотларни, ҳужжатларни тақдим этиш;
- б) лоббистнинг илтимосига биноан унинг манфаатдорлиги доирасида Қўмита фаолиятида ва комиссиялар ишида иштирок этиш;
- в) шахсий манфаатларини олдинга суриш мақсадида Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар билан алоқаларни қўллаб қуватлаш;
- г) шахсий манфаатларини олдинга суриш мақсадида Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар билан учрашувлар ташкил этишга ва турли ижтимоий тадбирларга таклиф қилишга қаратилган сайи харакатлар;
- д) муайян қонун ҳужжатларни ва Қўмита қарорларини қўллаб қувватлаган ёки қарши чиққан холда оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилиш ва чиқишиларни ташкил этиш.

26. Лоббизм фаолияти ҳисобланмаган усуллар сифатида қуйидагилар тан олинади:

- а) Қўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимларнинг ўз ваколатлари доирасидаги чиқишилари ва хабарлари;
- б) оммавий ахборот воситаларида чиқишилар, агар бундай чиқишиларнинг мақсади ўз ваколатлари доирасида маълумот тўплаш ва тарқатиш бўлса;
- в) Қўмита тизимидағи мансабдор шахсларга маълум бир соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида, ҳар қандай (қонунчилик) жараёнга таъсир қилиш мақсадисиз маълумот бериш;
- г) Қўмитадаги мажлисларда ёки комиссияларда, агар тегишли мажлисларга таклиф қилинган бўлса, билдирилган фикрлар.

VIII. Манфаатлар тўқнашуви

27. Кўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар ўзларининг хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликга йўл қўймасликлари керак.

28. Кўмита тизимидағи ходимлар ўз вазифаларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликга эга бўлган вазиятларда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

29. Қуйидаги ҳолатларда Кўмита тизимидағи мансабдор шахслар ва ходимлар манфаатлар тўқнашуви масаласини хал қилиш учун бевосита юқори лавозимли мансабдор шахсга ёки Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимидағи коррупцияга қарши курашиш Ишчи органига дархол хабар беришлари керак:

а) агар Кўмита тизимидағи мансабдор шахс ёки ходимнинг тегишли вазифаси ўзининг молиявий манфаатларига бевосита боғлиқ бўлса, ёки унинг бевосита қариндошлари ва турмуш ўртоғи каби бошқа шахслар ва турмуш ўртоғининг тўғридан-тўғри қариндошлари билан боғлиқ бўлса;

б) агар Кўмита тизимидағи мансабдор шахс ёки ходимнинг тегишли вазифаси сўнги 2 йил давомида у ишлаган муассаса ёки унинг вакили билан боғлиқ бўлса;

в) агар Кўмита тизимидағи мансабдор шахс ёки ходимнинг тегишли мажбурияти, Кўмита раҳбарининг таърифи билан, унинг ўз вазифаларини холисона бажара олмайдиган шахс билан боғлиқ бўлса.

30. Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимидағи коррупцияга қарши курашиш Ишчи органи ёки бевосита юқори лавозимли мансабдор шахс ушбу Қоидаларнинг 29-бандига мувофик маслаҳат олиш учун мурожаат қабул қилган тақдирда, ҳамда тегишли мансабдор шахс ёки Кўмита ходими тегишли вазифаларни бажаришда давом этаетганлигини аниqlаган тақдирда, Кўмита раҳбарига хабар беради.

31. 30-бандга мувофиқ хабардор қилинган Қўмита раҳбари тегишли Қўмита тизимидағи мансабдор шахс ва ходимнинг ўз вазифаларини адолатли бажарилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, вазифаларни қайта тақсимлаш билан чекланмаган ҳолда.

32. Агар Қўмита тизимидағи профил комиссияларнинг фаолияти ушбу комиссия таркибиға кирадиган Қўмита тизимидағи мансабдор шахснинг ёки ходимнинг бевосита яқин қариндошлари ва/ёки қариндошлари билан боғлиқ бўлса, ушбу мансабдор шахс ёки ходим тегишли комиссиядаги фаолиятидан, ишни кўриб чиқиш тугагунга қадар, ихтиёрий равишда воз кечади.

IX. Хайрия фаолияти

33. Ҳар қандай ҳисса тўғридан-тўғри қонуний рўйхатдан ўтган ёки лицензияланган хайрия ташкилотига ўтказилиши керак.

34. Бироқ, баъзи ҳолларда, ҳатто хайрия фаолияти ҳам корруция ва порахўрлик ҳиссини яратиши мумкин. Қўмита ходимлари хайрия бадалларини амалга оширишдан олдин Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимидағи коррупцияга қарши курашиш Ишчи органи билан маслаҳатлашишлари, шунингдек, коррупция ва порахўрликка қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари билан танишишлари лозим.

X. Ушбу қоидаларни назорат қилиш тартиби

35. Қўмита ходимлари ёки бир груҳ ходими томонидан ушбу Қоидаларнинг талабларини бузганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, ушбу ҳолат бўйича иш материаллари расмий тергов ўтказиш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимидағи коррупцияга қарши курашиш бўйича ички Комиссиясига топширилади.

36. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик бузилиши ҳолатларини яшириш, шунингдек, ушбу Қоидалар талабларини бузилишида айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.